RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

УШБУ СОНДА:

2 Касаначилик ривожи

3 Фаровонлик асоси

Малакали ходимлар салоҳияти

4 Истеъмолчи ҳуқуқи

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 15 (522)
2007 йил 17 апрель
сешанба

Сотувда эркин нархда

## MEZON:

**Ипотекага қўювчи ҳар бир навбатдаги ипотекага олувчига у билан ипотека тўғрисидаги навбатдаги шартнома тузилгунига қадар мазкур мол-мулкнинг бунгача амал қилиб турган барча ипотекалари тўғрисидаги маълумотларни маълум қилиши шарт.**

**Ипотекага қўювчи ипотека тўғрисидаги навбатдаги шартнома тузилганидан кейин дарҳол бу ҳақда олдинги ипотекалар бўйича ипотекага олувчиларни ёзма шаклда хабардор қилиши ва уларнинг талабига асосан уларга навбатдаги ипотека ҳақидаги маълумотларни маълум қилиши шарт.**

**Ипотека тўғрисидаги навбатдаги шартнома тузилганидан кейин олдинги шартномани ўзгартиришга, агар ипотека тўғрисидаги олдинги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, фақат навбатдаги шартнома бўйича ипотекага олувчининг розилиги билан йўл қўйилади.**

**Агар ипотека тўғрисидаги олдинги ва навбатдаги шартномаларда тарафлар айни ўша шахсларнинг ўзи бўлса, ушбу модданинг қоидалари қўлланилмайди.**

**«ИПОТЕКА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 30-МОДДА**

## Бокс бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Руслан Чагаевга

*Қадрли Руслан ўғлим!*

*Сени эришган улкан ғалабанг билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.*

*Бутун Ўзбекистон аҳли бугун сенинг спорт оламида кўрсатган беқиёс жасоратингни байрам қилмоқда. Биз ўзбек бокс мактабида тарбия топиб камолга етган сендек ўғлонимизнинг тарихий ғалабани қўлга киритиб, ўта оғир вазнда жаҳон чемпионлигига эришгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.*

*Сенинг ҳалол ва муросасиз курашлар остида ўтган ғоят кескин беллашувда сайёрамизнинг энг кучли боксчиси деган номга сазовор бўлиб, юксак маҳорат, мустаҳкам ирода ва азму шижоатингни яна бир бор намоён этганинг ва шу тариқа ўзбек спорти ва жаҳон бокси солномасида янги, зарҳал саҳифа очишга эришганинг барчамизни қувонтиради.*

*Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай мард ва баҳодир йигитни – Ўзбекистоннинг ҳақиқий ифтихорини вояга етказган оила аъзоларинг ва яқинларингга, устоз ва мураббийларингга самимий миннатдорлик билдираман.*

*Сени яна бир бор қутлаб, янги-янги зафар ва омадлар тилаб қоламиз.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!*

*Бугун, ҳаётимдаги энг қувончли кунда, ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвони учун таниқли боксёр Николай Валуев билан беллашувда ғолиб чиққаним туфайли чексиз хурсандчилигимни Сизга изҳор этмоқчиман.*




*Бир неча соат олдин Штутгартдаги спорт мажмуида Ўзбекистон давлат мадҳияси тантанали равишда янгради.*

*Биз, спортчилар, мамлакатимизда спортни ривожлантиришга Сиз нечоғли катта эътибор ва ёрдам бераётганингизни яхши биламиз. Сизнинг оталарча ғамхўрлигингиз туфайли Ўзбекистон вакиллари кўп карра Осиё, жаҳон, Олимпия ўйинлари чемпионлари бўлди. Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси билан учрашув чоғида билдирган эзгу тилак ва доно маслаҳатларингиз ҳамон ёдимда. Ана шу ғамхўрлик натижасида Ўзбекистон вакили профессионал спортда илк бор жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Мамлакатимиз ҳақли равишда жаҳоннинг бокс ривожланган давлатлари қаторига қўшилди.*

*Мен ўз ғалабамни Ўзбекистон мустақиллигига бағишлайман. Қаерда бўлишим, қайси мамлакатда жанг ўтказишимдан қатъи назар, мен учун Ўзбекистон спорти шаънини ҳимоя қилишдан кўра муқаддасроқ нарса йўқ. Ҳар бир ғалабамдан сўнг қадрдон юртдошларим, устозларим, маҳалламиз оқсоқоллари билан учрашиш учун жонажон Андижон сари ошиқаман.*

*Ҳурматли Ислом ота, Сизнинг ишончингизни оқлаш учун, Ўзбекистон байроғи турли мамлакатларнинг стадионларида тез-тез юқори кўтарилиши учун бор куч ва иродамни сафарбар этаман, деб ишонтиришга ижозат бергайсиз. Келгусида ўзимнинг тажриба ва маҳоратимни ёш боксчилар тайёрлаш ишига бағишлаш ниятидаман. Зеро, спорт ёш авлодга жонажон мамлакатимиз Мустақиллигини муносиб ҳимоя қилишга ёрдам беради.*

*Фарзандлик ҳурмат-эҳтироми билан,*

**Руслан ЧАГАЕВ**
2007 йил 15 апрель

*Xabar*

# Адлия вазирлигида

***2007 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Адлия вазири Ф.Отахонов бошқарди. Мажлисда адлия органлари ва муассасалари томонидан 2007 йилнинг 1-чорагида амалга оширилган ишларнинг натижаси ва келгусидаги устувор вазифаларни бажаришга йўналтирилган чора-тадбирлар, шунингдек, Наманган вилоят адлия бошқармасида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини ялпи ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.***



Адлия органлари томонидан 27 та қонун лойиҳалари ва 100 дан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, ўтган ҳисобот даври мобайнида бевосита Адлия вазирлиги томонидан 23 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, ҳукуматга тақдим этилган. 105 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат ҳисобига олинган. Вазирликка тақдим этилган идоравий-норматив ҳужжатлардан 57 таси давлат рўйхатига олиниб, 28 таси амалдаги қонунчиликка зид бўлганлиги сабабли давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган. 85 та халқаро шартномалар юзасидан ҳуқуқий хулосалар берилган.

Ўтган давр мобайнида адлия органлари ва муассасалари томонидан қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш ва кенг жамоатчиликка етказиш, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида ўн мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган.

Бевосита вазирлик ва унинг бошқармаларига 2007 йилнинг 1-чорагида фуқаролардан жами 4744 та ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, уларни ўрганиш натижасида 2521 таси ёки 53 фоизи ўз тасдиғини топган ва мурожаат этувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Жойларда қонун ҳужжатлари ижросини ўрганишда ҳамда тадбиркорлар ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда асосий эътибор уларнинг бузилган ҳуқуқларини суд тартибида, тақдимномалар киритиш йўли билан тўлиқ тиклаш, қонунбузилишда айбдор бўлган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириб бериш, ноқонуний қарорларни бекор қилишга қаратилган. Ҳисобот даврида адлия органларининг ташаббуси билан судларга 10 миллиард сўмдан ортиқ 4,5 мингта даъво аризалари киритилган.

Тадбиркорлар ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, шартномавий муносабатларни тартибга келтириш мақсадида ўтган уч ой мобайнида адлия органлари томонидан 2200 дан ортиқ таъсир чоралари қўлланилган. Ушбу таъсир чоралари натижасида 1300 нафар мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилган, шу жумладан, 87 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Кўрилган чоралар асосида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаб қўйган давлат бошқарув идораларининг 332 та ноқонуний қабул қилган қарорлари бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий islоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида сўзлаган маърузасидан келиб чиққан ҳолда, вазирлик ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан муайян тадбирлар амалга оширилган. Хусусан, 2006 йил 1-чораги давомида суд ижрочилари иш юритувидаги 498 мингдан ортиқ ижро ҳужжатларидан 214 мингтаси ёки 43 фоизининг ижроси таъминланган бўлса, 2007 йилнинг шу даврида иш юритувда бўлган 567 мингдан ортиқ ижро ҳужжатларининг 277 мингтаси ёки 49 фоизининг ижроси таъминланган. Ижро ҳужжатлари бўйича амалда ундирув 319 миллиард сўмни ташкил қилиб, 2006 йилнинг шу даврига нисбатан амалдаги ундирув 123 миллиард сўмга кўпайган.

Республикада фаолият кўрсатаётган нотариал идоралар томонидан 2007 йил 1-чорак давомида жами 850 мингга яқин нотариал ҳаракатлар, ФҲДЁ органлари томонидан 225 мингдан ортиқ далолатнома ёзувлари амалга оширилган.

Ҳайъат мажлисида вазирлик олдида турган энг муҳим масалалардан бири бўлган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ёрдам кўрсатишда ташаббускорликни кучайтириш борасида ҳам зарур тадбирлар амалга оширилганлиги қайд қилинди. Биргина қонун ижодкорлигида 7 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, болалар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича оммавий ахборот воситаларида 300 га яқин чиқишлар қилинган.

Танқидий руҳда ўтган Ҳайъат мажлисида адлия органлари ва муассасалари томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, суд қарорларини ижро этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, шартномавий муносабатларни назорат қилиш соҳаларида етарли даражада ишлар олиб борилмаганлиги танқид қилинди. Жумладан, департаментнинг суд қарорларини ижро этиш борасидаги фаолияти қониқарли эмаслиги таъкидланди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шунингдек, Ҳайъат мажлисида Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан 2005 ва 2006 йилларда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Ўтган 2005 ва 2006 йил давомида Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди. Жумладан, адлия бошқармаси томонидан аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 2005 йилда 305 та тақдимнома ва 66 та огоҳномалар киритилган бўлса, 2006 йилда 325 та тақдимнома ва 145 та огоҳнома киритилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 та тақдимнома, 79 та огоҳнома кўп киритилганидан далолат беради. Шунингдек, адлия бошқармасига 2006 йил давомида тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари жалб қилинган корхоналар ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузишда ва уларни бажаришда юридик ёрдам кўрсатиш масалаларига оид 392 та мурожаатлар келиб тушган. Бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 41 тага ошган. Бундай ютуқлар ҳуқуқий тарғибот, нотариат, тадбиркорлар, хорижий инвестициялар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шартномавий ҳуқуқий муносабатларни назорат қилиш ҳамда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳаларида ҳам мавжудлиги таъкидланди.

Ҳайъат мажлисида Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан амалга оширилган ижобий ишлар билан биргаликда, йўл қўйилган камчиликларга ҳамда муаммоларга ҳам тўхталиб ўтилди. Бундай муаммолар ва камчиликлар асосан иш юритиш, кадрлар билан ишлаш, жамоат ташкилотларини рўйхатдан ўтказишда учраётганлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда аксарият ҳолларда ҳуқуқий тушунтириш бериш ҳамда уларни назоратга олмаслик ҳолатлари кузатилаётганлиги, бу эса фуқароларнинг бошқа юқори турувчи идораларга такроран мурожаат этишига сабаб бўлаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, нотариат, адвокатура ва ФҲДЁ соҳаларида йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ҳам оқсаш сезилаётганлиги таъкидланди. Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳалари деярли ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаганлиги, уларни қўллаш бўйича ўз ваколатлари доирасида бошқарма томонидан хулосалар берилмаганлиги танқидий кўриб чиқилди.

Ҳайъат мажлисининг якунида йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Адлия вазирлигининг**
**Ахборот хизмати**

**Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 22 ноябрда қабул қилинган ва 2007 йил 29 мартда Сенат томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Қонуни 2007 йил 7 апрелда матбуотда эълон қилинди.**

*Qonun ijodkorligi*

# Соғлом оила – жамият бахти

Ҳар бир оила жамият негизини ташкил этувчи, халқнинг, миллатнинг бардавомлигини, миллий қадриятлар ривожини таъминловчи, маънан етук, руҳан ва жисмонан баркамол авлодни тарбияловчи муқаддас даргоҳдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасида **«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади»**, деб белгилаб қўйилган. Дарҳақиқат, Ватан, инсон камолоти, авлод келажаги оиладан бошланади. Шу боис, 1994 йил жаҳон миқёсида ва 1998 йил юртимизда «Оила йили», деб эълон қилингани — оиланинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи нақадар юксаклигидан далолат беради.

Оилага таъриф бериб, муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов шундай таъкидлайдилар: **«Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор».**

*(Давоми учинчи бетда)*

*«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури амалда*

# Эзгулик ва меҳр-шафқат муҳити

***«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг мантиқий давоми сифатида 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбарининг бу йўналишда қабул қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ва «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда кенг кўламли режаларнинг энг муҳим мақсади фидойи халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилгандир.***

Йилнинг бундай ном билан аталиши барча соҳа ходимлари каби Бухоро вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси тизими ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклади.

Маълумки, бу йилги тадбирлар доирасида ёрдамга муҳтож кўп болали ва кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган қариялар, ота-онаа қарамоғидан маҳрум болалар, ногиронлар, талабалар, нафақахўрларнинг манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилиниши режалаштириб қўйилган. Бошқармада уларга доимий ёрдам бериш, уйларига бориб хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бепул дори-дармон етказиб бериш, ҳомийлар бириктириш юзасидан дастур ишлаб чиқилган.

— «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида давлат ва нодавлат ташкилотлари, ҳомийлар кўмагида кўп болали, кам таъминланган 1319 оилага маҳаллий ҳокимият органлари ҳамкорлигида бепул қорамоллар берилди. 85 нафар ёлғиз кексалар, ногиронлар уйларида таъмир ишлари бажарилди, — дейди бошқарма бошлиғи Илҳом Амонов. — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан 137 та ногиронлар аравачаси, 74 та эшитиш мосламаси, сиҳатгоҳларга 1255 та йўлланма олиниб, муҳтож ногиронларга берилиши уларга кўтаринки руҳ бағишлади. Бу мақсадлар йўлида республика бюджетидан 261,8 миллион сўм, ҳомийлар ҳисобидан 150,2 миллион сўм сарфланди.

Қувонарли томони шундаки, ўтган йили бош бошқарма ходимлари саъй-ҳаракатлари билан юз ёшдан ошган 176 нафар қария, 1272 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 165,5 миллион сўм моддий ёрдам олишга муяссар бўлдилар. 252 нафар уруш ногиронига шахсий автомашиналарига ёқилғи харид қилишлари учун 19 миллион сўм ажратилганлиги ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ёрқин намунасидир.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз кексалар, нафақахўрлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш аниқ дастур асосида давом эттирилади.

*(Давоми иккинчи бетда)*

*Qonunning mohiyati*

# Кучли фуқаролик жамияти сари муҳим қадам

***Ўзбекистон ўз мустақиллигининг илк кунларидаёқ мамлакатни босқичма-босқич ислоҳ қилиш стратегиясини танлади. Ҳаётнинг барча соҳаларида бошланган ислоҳотлар барқарор тус олди. Мустақил тараққиётимизнинг ўтган ўн беш йили мобайнида қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, жамият Ҳаётини либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида зарур кафолатларни талаб даражасида таъминлаш, давлат қурилишини демократлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Мамлакатда кўппартиявийлик тизимини шакллантириш бўйича изчил иш олиб борилди. Унинг ҳар бир босқичида ислоҳ қилиш жараёни жамият аъзолари сиёсий фаоллигини оширишга кўмаклашадиган зарур ва етарли даражадаги қонунчилик асосларининг вақтида яратилишига таянди. Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларда ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган. Ҳуқуқий база яратилгани туфайли партиялар сиёсий тажрибага, сиёсий етукликка, молиявий мустақилликка эга бўлди, жамиятда сиёсий плюрализмга эришилди.***

Шу билан бирга, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш зарурати фуқароларнинг сиёсий фаоллигини сезиларли даражада оширишни, мамлакат ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини кучайтиришга йўналтирилган янги ҳарорлар қабул қилинишини талаб этади. Бу муҳим вазифа давлат қурилишини ва жамият тараққиётини демократлаштириш, одамларнинг манфаатлари, интилишлари ва фикр-мулоҳазаларини тўла-тўкис назарда тутишдек бугунги кун талабини ҳисобга олган ҳолда, умумэътироф этилган демократик тамойилларга мувофиқ амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган **«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»**ги Конституциявий қонун ва **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига; 93-моддасининг 15-бандига; 102-моддасининг 2-қисмига)»**ги қонун айнан шу мақсадларни назарда тутади.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳаларини Парламентнинг қуйи палатасига киритиш билан бир пайтда шарҳлар ҳам тақдим этилган бўлиб, уларда ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий ғояси, мақсади ва предмети, тегишли ижтимоий муносабатларнинг умумий тавсифи ва ҳолатига берилган баҳо, мазкур соҳада амалда бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг зарурияти асослари, улардаги асосий қоидалар, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатларига доир прогнозлар акс эттирилган.

Қонунлар лойиҳалари қонунчилик палатасининг қарорига мувофиқ матбуотда эълон қилинган. Ушбу қонунлар нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро ҳамжамиятда ҳам катта қизиқиш уйғотдики, Германия, Франция, Австрия, Италия, Греция, Франция, Польша, Ҳиндистон каби давлатлар сиёсий арбоблари (сиёсатшунослар, парламент ва ҳукумат аъзолари) томонидан билдирилган кўплаб ижобий фикрлар шундан далолат беради. Сиёсий партия вакиллари, аҳолининг кенг қатламлари иштирокидаги умумхалқ муҳокамасидан сўнг қонун лойиҳалари Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан уч ўқишда кўриб чиқилиб, қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланди.

Шунингдек, Сенат **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”**ги Конституциявий қонун, **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”**ги, **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”**ги, **“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”**ги, **“Сиёсий партиялар тўғрисида”**ги, **“Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”**ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни кўзда тутувчи қонунни ҳам маъқуллади. Улар жорий йилнинг 12 апрель куни матбуотда эълон қилинди.

Мазкур қонунларнинг қабул қилинишини нафақат қонунчиликда, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётда улкан аҳамиятга молик воқеа сифатида эътироф этиш мумкин. Уларни ишлаб чиқиш жараёнида қанчалик кўламли ва машаққатли меҳнат амалга оширилганини тасаввур қилиш қийин эмас, зеро, уларни барча нормаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бири-бирини тақозо қилиши, мантиқий изчиллиги, яхлитлиги ва мувофиқлиги алоҳида ажратиб туради. Қабул қилинган қонунлар аксарият ривожланган давлатларнинг демократик қадриятларини, ижобий халқаро тажрибаларни ўзида акс эттиради. Уларни ишлаб чиқиш жараёнида олимлар, мутахассислар, сиёсий партиялар вакилларининг нуқтаи назари ҳам эътибордан четда қолмади.

Шубҳасиз, Конституциявий қонун давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришда кучли омил бўлади.

Конституциявий қонун орқали Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоятлар кенгашларидаги сиёсий партияларга марказда ва жойларда ижро ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнларига, яъни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини тайинлаш ҳамда вазифасидан озод этишга фаол таъсир ўтказиш имкониятини берадиган ҳуқуқий механизмлар яратилмоқда. Киритилаётган бу янгиликлар вакиллик ва ижро органларининг сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатларини янада кучайтиради. Ривожланган демократик давлатлар тажрибаси кўрсатишича, сиёсий партиялар ҳукумат раҳбари лавозимига номзодни аниқлаш жараёнига фаол таъсир этади. Ҳукумат раҳбарини тайинлашда парламентдаги фракциялар билан олдиндан маслаҳатлашиш тартибидан Испания, Португалия, Финляндия, Болгарияда фойдаланилади.

Конституциявий қонунда «парламентдаги кўпчилик» ва «парламентдаги мухолифат» тушунчаларига аниқ таъриф берилган.

Конституциявий қонуннинг 2-моддасида сиёсий партиядан номзоди кўрсатилган ва қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкинлиги белгиланган. Амалдаги қонунчилик бўйича эса, депутат бирор-бир фракция ёки депутатлик гуруҳи таркибига кирмаслик ҳуқуқига эга. Таъкидлаш керакки, у ёки бу партиядан сайланган депутат, қонунчилик палатасига сайланишида ўзининг партияси дастурига таяниб, амалда унинг кўмагидан фойдаланиб депутатликка сайланган экан, ўша ўзи сайланган партиянинг дастурини ҳимоя қилиши ва амалга ошириши лозим.

Конституциявий қонундаги нормаларнинг моҳияти ва аҳамияти қонун лойиҳаларининг шарҳида ҳар томонлама баён этилгани боис, уларга батафсил изоҳ беришга ҳожат йўқ.

Шу билан бирга, **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига; 93-моддасининг 15-бандига; 102-моддасининг 2-қисмига)»**ги қонуннинг 1-моддасига тўхталиб ўтиш ўринлидир. Ушбу модда орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғи эканлиги ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаши ҳақидаги тузатиш киритилди. Бу билан эндиликда Президент ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи ҳисобланмайди.

Бу ўринда яна давлат қурилиши соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг босқичма-босқичлиги, изчиллиги кузатилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингунга қадар Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида бўлган. Давлат ҳокимиятини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинишини белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандан сўнг, Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи мақомини олган ва унда Ўзбекистон Республикаси Президенти бир пайтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланиши кўзда тутилган эди. Таъкидлаш жоизки, Президентнинг ҳам давлат бошлиғи, ҳам ижро ҳокимияти раҳбари вазифаларини бажаришини ўша вақтда мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши тақозо этарди. Бу қисқа вақт ичида эски тоталитар тузумдан давлат бошқарувининг замонавий демократик моделига ўтиш бўйича туб ислоҳотларни амалга ошириш имконини берди. Шунга мувофиқ тарзда давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органлари ривожланди.

2002 йилда ўтказилган референдум натижалари ва парламентнинг икки палатали тизимга ўтиши давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштиришда навбатдаги босқич бўлди. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонунига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозими бекор қилинди. Шу аснода, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва ҳукуматининг, шунингдек, ҳукумат тузилмаларининг ваколатлари ва жавобгарлиги янада ошди. Аввал Вазирлар Маҳкамаси Раисига тегишли бўлган — Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилиш, Вазирлар Маҳкамасининг барча қарорларини имзолаш каби ваколатлар Бош вазир зиммасига юклатилди.

Конституцияга киритилган сўнгги ўзгартишлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш билан боғлиқдир. Ушбу ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Президентига давлат ҳокимияти органларининг ҳамжиҳат бўлиб фаолият юритиши, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлашни таъминлашга доир бевосита ҳамда аниқ йўналтирилган масалалар билан шуғулланиш имконини беради. Бундай тизим Франция, Италия, Чехия, Словакия каби дунёнинг демократик давлатлари тажрибасида мавжуд.

Мазкур қонунлар ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг мантиқий давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич тадрижий ривожлантиришнинг натижаси, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ташланган муҳим қадам бўлади. Қонунларнинг қабул қилиниши ҳар биримизнинг, шу жумладан, Адлия вазирлиги олдига ҳам уларнинг нормаларини ҳаётга жорий этиш, бу ўзгаришлар мамлакатимиз ва халқимизга нима беришини ҳамда ҳар биримиздан нималарни талаб қилишини одамлар онгига етказишдек масъулиятли вазифаларни қўяди. Ана шу мақсадда Адлия вазирлиги томонидан бир қатор тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Хусусан, амалдаги қонунчилик ҳужжатларини Конституциявий қонун нормалари билан мувофиқлаштирилш мақсадида таҳлил қилинади ва бу борада тегишли чоралар киритилади.

Мазкур қонунларни ҳар бир ижрочи ва фуқарога етказиш, улар орасида тизимли тушунтириш ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ана шу мақсадда Адлия вазирлиги қонунлар ва уларга шарҳларни барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотларга ҳамда аҳолига тарқатиш учун етарли нусхаларда чоп этилишини таъминлайди. Бундан ташқари, қонунларнинг матнлари электрон воситаларда электрон кутубхоналар ва бошқа ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда ҳам тарқатилади. Қонунлар ва уларга шарҳларни вазирликнинг веб-сайтига жойлаштириш мўлжалланмоқда.

Қонунларда назарда тутилган қоидаларни тушунтириш, уларнинг қабул қилиниши моҳияти, мақсад ва вазифаларини ёритиш учун конференциялар, семинарлар, «давра суҳбат»лари ўтказиш, мақолалар эълон қилиш, марказий ва маҳаллий ОАВда доимий чиқишлар ташкиллаштирилади. Тушунтириш ишларига деярли барча адлия органлари тизими жалб этилиши кўзда тутилмоқда.

Адлия вазирлиги Конституциявий қонуннинг алоҳида қоидаларини қўллаш механизимлари, хусусан, парламентдаги мухолифат томонидан қонун лойиҳаларининг муқобил таҳрирларини киритиш, парламентдаги мухолифат вакилларининг келишув комиссиясида иштирок этиши тартибини тушунтиришни назарда тутувчи ўқув-услубий қўлланмалар ва материалларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этишга тайёр. Ишлаб чиқилган материалларнинг Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатларининг касбий фаолиятида, шунингдек, талабалар, тадқиқотчилар, ўқитувчилар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ўқув ва илмий мақсадларида фойдали бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги маърузасида таъкидлаганидек, **қабул қилинаётган қонунни амалга ошириш натижасида қонунчилик ҳокимияти бўлмиш Олий Мажлис, шунингдек, жойлардаги маҳаллий ҳокимиятларнинг ваколатларини, шулар қаторида ижро ҳокимияти, шу жумладан, ҳукуматнинг мустақиллигини ошириш, шу билан бирга, Президентнинг ваколат ва вазифаларига ўзгартишлар киритиш, уларни қисқартириш ҳамда ҳуқуқий меъёрлар доирасини аниқ белгилаб олиш имкони туғилади. Бу орқали биз мамлакатимизда давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни янада мустаҳкамлашга эришамиз. Бошқача айтганда, ҳар қандай ривожланган демократик тизим талабларига мос чора-тадбирлар амалга оширилади.**

**Фозилжон ОТАХОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири**

*Muloqot*

## Қонунга асосан

***— Шартномаларни ўзгартириш ва бекор қилиш учун нималар асос бўлади?***

**Р.МАШАРИПОВ,**
**Янгибозор тумани**

— Фуқаролик кодексининг 382-моддасида шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш учун асослар сифатида қуйидагилар кўрсатилган:

- бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;

2) Фуқаролик кодекси, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.

Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга, у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши, шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувида бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади.

## Текширув ўтказиш белгиланган

***— Қандай ҳолларда режадан ташқари текшириш ўтказилади?***

**Ж.БОБОҚУЛОВА,**
***Жарқўрғон тумани***

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2006 йил 29 декабрдаги 213-сон буйруғи билан тасдиқланган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомда режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан қуйидаги ҳолларда ўтказилиши белгиланган:

агар текширув ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва ҳукуматининг қарорларидан келиб чиққанда. Бунда агар Президент ва Ҳукумат қарорлари билан текшириш ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект номи аниқ кўрсатилган бўлса, Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиясининг розилигини олиш талаб қилинмайди;

- назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда. Қўшимча маълумотлар сифатида корхоналар, ташкилотлар, муаасасалар ва фуқароларнинг аниқ исботланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган қонунбузилиш фактлари хизмат қилиши мумкин;

- фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда;

- санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек, қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда.

## Экспертиза ўтказиш тартиби

***— Хўжалик шартномалари экспертиза қилинади, деб эшитдим. Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз?***

**Х.У.УМАРҚУЛОВА,**
**Термиз шаҳри**

— «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасида хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби қуйидагича кўрсатилган:

- Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

- Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз баравaридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади.

Хулосада қоида тариқасида қуйидагилар кўрсатилади:

- хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;

- хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;

- тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

**Саволларга Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси етакчи маслаҳатчиси Шерзод АМИНҚУЛОВ жавоб берди.**

*Istiqlol va imkoniyat*

# Касаначилик ривожи

## аҳолини иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга

***Меҳнат — тириклик манбаи, у инсониятнинг фаровон турмуш кечиришида асосий омилдир. Мамлакатимизда ҳар бир шахс эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, эркин иқтисодий фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Бу бош Қомусимиз — Конституциянинг 37-моддасида алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонунлар, Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси сингари ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар орқали фуқароларнинг меҳнатлари муҳофаза этилади.***



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ана шу қонуний манфаатларини таъминлаш борасида ҳукуматимиз томонидан қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга жорий этилмоқда. Президентимизнинг 2006 йил 5 январда эълон қилинган **«Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони ҳам бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, қадим-қадимдан халқимиз ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган. Айтайлик, аёллар уй шароитида зардўзлик, турли кийим-бош, кўрпа-ёстиқлар тикиш, турли қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаш билан шуғулланишган бўлса, эркаклар дурадгорлик, этикдўзлик, дегрезлик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик сингари ҳунарлар билан машғул бўлишган. Юртбошимизнинг юқорида қайд этилган Фармони ана шу асрий анъаналаримизни қайта тиклаш ва янада ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этди.

Зотан, аёлларнинг касаначилик билан шуғулланишлари фарзанд тарбияси ва уй юмушларига улгура олишларини таъминлаш баробарида болаларда меҳнатга лаёқатни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Қолаверса, йирик корхоналарга мураккаб технологиялар, катта миқдордаги энергия, ходимларнинг ишга келиш-кетиш, овқатланиш харажатларини тежаш имконини беради. Касаначилик жорий этилиши билан аҳолини иш билан таъминлаш кескин ортади, яна ҳам аниқроғи, ишсизликка барҳам берилади.

Мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилган янги касаначилик фаолияти ҳуқуқий негизга эга. Чунончи, авваллари бу фаолият давлат назоратидан четда, фуқароларнинг шахсий ташаббуси ва хомашёлари асосида амалга оширилган бўлса, эндиликда уларнинг меҳнатини ҳуқуқий кафолатлаш, рағбатлантириш, уй шароитида кенг имкониятлар, имтиёзлар берилган ҳолда олиб борилмоқда. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарори билан тасдиқланган **«Касаначилик тўғрисида»**ги Низомига асосан корхона билан меҳнат шартномасини имзолаган касаначига корхона асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хомашё ва материаллар етказиб беради. Корхонада ишлаётган ходим билан касаначининг мақоми тенглашади. Меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий муҳофазалаш, ижтимоий суғурталаш масалалари ҳамда солиқ имтиёзлари қўлланилади.

Энг асосийси, касаначи ўз фаолияти билан шуғулланадиган турар жой нотурар жойга алмаштирилмайди. Касаначини корхона амалий меҳнат кўникмалари бўйича ўқитиши ва ўз буюртмаларини белгиланган вақтда бажарилишини таъминлаши лозим бўлади. Касаначига хавфли меҳнат, масалан, кимёвий компонентлар воситасидаги ишлар билан шуғулланишга йўл қўйилмайди. Яна бир қулай томони, касаначи иш вақтини, дам олиш вақтини, таътил муддатини меҳнат шартномасидан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилайди.

Демак, касаначиликни ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодини янада юксалтириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазалашда муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, бу — бизнинг эзгу мақсадимиздир.

**Шавкатжон ЮЛДАШЕВ,**
**ФарДУ талабаси**

*«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури амалда*

# Эзгулик ва меҳр-шафқат муҳити

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

Бу борада ҳомийларнинг 132,1 миллион сўм миқдордаги маблағ сарфланиши режалаштирилган. Кам таъминланган, кўп болали оилаларга қорамол сотиб олишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш ҳам дастурнинг муҳим банди сифатида киритилди.

Юртбошимизнинг **«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»**ги қарорида «Мурувват» уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмини такомиллаштириш, улар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш даражасини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан техника базасини яхшилаш учун 169,5 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилаяпти.

Белгиланган харажатлардан ташқари, бюджетдан ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун 195,2 миллион сўм маблағ сарфланди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» дастурини ижро этиш жараёнида 550 нафар ногирон янги технологиялар асосида тайёрланаётган протез-ортопедия жиҳозлари билан таъминланади. 80 нафар кам таъминланган оила ва ёлғиз қарияларнинг уйларида таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Шунингдек, 1600 нафар фахрийлар ва пенсионерларга сиҳатгоҳларда соғлиқларини тиклаб, ҳордиқ чиқариб келишлари учун йўлланмалар берилади.

Бош бошқарма ташаббуси билан вилоятнинг барча туманларида қариялар чойхонаси ташкил этилади. Бу ерда кекса авлод вакилларининг аҳолининг фаол қатлами — ёшлар билан учрашувлари, маънавий тадбирлар ўтказилади. Ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли ижтимоий ҳимоя тизими ҳақида суҳбат ва мулоқотлар уюштирилади. Мазкур тадбирлар давлат, ҳокимият идоралари, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ўтказилиши мақсад қилиб қўйилган.

Дастур доирасида «Ижтимоий масалаларни ҳал этишда энг намунали маҳалла» кўрик-танлови ўтказилади. Ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлашни яхшилаш мақсадида «Ёш оила» имтиёзли кредит жамғармаси ташкил этилади. Бу эса янги қурилаётган оилалар пойдеворини мустаҳкамлашга замин бўлади.

Лўнда қилиб айтганда, Бухоро вилоятида ҳамжиҳатлик, эзгулик, саҳийлик, меҳр-шафқат муҳитини қарор топтиришда ибратли қадамлар қўйилмоқда. Юртбошимиз иборалари билан айтганда, **2007 йилга «Ижтимоий ҳимоя йили» деб ном берганимиз шу йўлда олдимизда турган вазифаларнинг маъно-мазмуни ва пировард натижаларини янада кучайтириш билан жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ».**

**Валижон ЮСУПОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Qonun ijodkorligi*

# Соғлом оила — жамият бахти

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Чиндан ҳам оила ҳар биримизнинг ички имкониятимизни юзага чиқарувчи азиз гўшадир. Ҳар бир инсоннинг маънавияти, фаолияти, тажрибалари аслида оилада шаклланади.

Халқимиз — болажон халқ. Фарзандларимиз кўзга кўриниши билан тезроқ уйлантиргимиз, узатгимиз — тўй-томоша қилгимиз келади. Бу табиий, албатта. Бироқ, бўлажак келин-куёвларнинг соғлиғи ҳақида доимо қайғуриш лозимлигини баъзан унутиб қўямиз. Аслида эса, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом авлод вояга етказишнинг асосий омили оила қураётган йигит-қизларимизнинг саломатлигига боғлиқдир.

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб соғлом авлод тарбиясига масъул бўлган соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотлар амалга оширилиб, тиббиёт ходимлари малакасини оширишга, тиббиёт масканларининг моддий-техника базасини яхшилашга алоҳида аҳамият бериб келинаётир. Бу ҳақда қабул қилинган Президентимизнинг Фармонлари, Давлат дастурлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари халқимиз соғлиғини сақлаш соҳасида масъулиятни янада оширишни таъминлаётир. Чунончи, 2004 йил 1 январидан кучга кирган Вазирлар Маҳкамасининг **«Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»**ги 365-сонли қарори асосида никоҳдан ўтувчи ҳар бир келин ва куёвни ирсиятга таъсир этувчи касалликлар бўйича чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари йўлга қўйилди. Шу ўринда мазкур қарор ижроси билан боғлиқ айрим рақамларни келтириб ўтсак. Тошкент шаҳри мисолида оладиган бўлсак, соғлом оила юзага келишини тарғиб этиш мақсадида 2006 йил давомида «Ёш оила» мактабларида беш юздан ортиқ ўқув машғулотлари ташкил этилиб, уларда янги оила қураётган ўн тўрт минг жуфтга яқин ёшлар, ёки 27 минг нафардан ортиқ келин-куёвлар иштирок этишди. Машғулотларга тиббиёт ходимлари, бой ҳаётий тажрибага эга отахон ва онахонлар ҳам жалб этилмоқда. Ўтган йили тиббий кўрикдан ўтказилган келин-куёвлардан 451 нафарида ирсиятга таъсир этувчи касаллик борлиги аниқланди.

Сир эмас, ирсиятга таъсир этувчи касалликка эътиборсизлик оқибатида туғиладиган ногирон фарзанд ҳам оилага, ҳам жамиятга қанчадан-қанча моддий ва маънавий ташвиш туғдиради. **«Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»**ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур палата томонидан 2006 йил 22 ноябрда қабул қилинган ва кўриб чиқиш учун 2006 йил 24 ноябрда Сенатга юборилган эди.

Қонуннинг асосий мақсади — никоҳни суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилишига олиб келадиган асосларни аниқлаштириш йўли билан никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ишларни судларда кўриш тартибларини соддалаштиришдан иборатдир.

1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилинганда, унинг **«Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш»**, деб номланган 17-моддаси уч қисмдан иборат эди. Мазкур модданинг учинчи қисмига кўра, башарти никоҳланувчи шахслардан бири ўзида таносил касаллиги ёки орттирилган иммунитет танқислиги вируси (ОИТС касаллиги) борлигини бошқасидан яширган бўлса, бехабар шахсга никоҳни ҳақиқий эмас, деб топишни талаб қилиб, судга мурожаат этиш ҳуқуқи берилганди.

Шу муносабат билан Оила кодексининг **«Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари»** деб номланган 49-моддасида 17-модданинг 3-қисмига ҳавола этувчи норма кўрсатилган эди.

2002 йил 13 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун билан Оила кодексининг 17-моддасига никоҳланувчи шахсларнинг бепул тиббий кўрикдан ўтишлари тартибига доир ўзгартишлар киритилган ва айни вақтда мазкур модданинг учинчи қисми қоидалари чиқариб ташланган эди.

Бироқ, Оила кодексининг 49-моддасига бунга монанд равишда зарур ўзгартишлар киритилмагани оқибатида, мазкур моддада ҳанузга қадар 17-модданинг чиқариб ташланган қисмига ҳавола этувчи норма сақланиб турибди. Бу эса, ўз навбатида, никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ишларни судларда кўришда муаммолар келтириб чиқармоқда. Шу муносабат билан Оила кодексининг 49-моддасига никоҳланувчи шахслардан бири ўзида таносил касаллиги ёки орттирилган иммунитет танқислиги вируси (ОИТС касаллиги) борлигини бошқасидан яширган тақдирда, бу ҳол никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш учун асос бўлишига доир, аниқлаштириш хусусиятидаги ўзгартишлар киритилди.

Жумладан, Оила кодексининг мазкур 49-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилмоқда: **«Никоҳ қуйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилади: ушбу кодекснинг 14-16-моддаларида белгиланган шартлар бузилганда;**

**- сохта никоҳ тузилганда, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилинганда;**

**- никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда, агар иккинчиси судга шундай талаб билан мурожаат этса».**

Шубҳасиз, Оила кодекси 49-моддасининг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакатда оилаларни мустаҳкамлашга ва аёлларни ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

**Фарида АБДУРАҲИМОВА,**
**Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, Сенатор**

---

**Мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шартларидан бири — замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини ҳамда захирасини шакллантиришдан иборатдир. Зеро, кадрларни иш билан таъминлаш ҳар бир давлатнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.**

*Jamiyatimiz maqsadi*

# Малакали ходимлар салоҳияти

## адлия идораларида уларнинг захирасини шакллантиришга эътибор кучайтирилмоқда

Юртбошимиз 2005 йил 7 февралда ҳукуматнинг янги таркиби билан учрашувида давлат аппарати ходимларига қўйиладиган иккита энг асосий муҳим мезонни белгилаб берганди. ***Биринчидан***, топширилган ишга масъулият билан ёндашиш. ***Иккинчидан***, билим, малака ва тажрибага асосланган омилкорлик.

Устувор йўналишлардан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сонли **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"**ги Қарори ва **"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"** асосида Адлия вазирлиги томонидан замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида давлат органларининг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, уларни юридик таълим муассасаларида тайёрлаш ишларини ташкил этиш, ҳуқуқшунослар ўртасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, адлия органлари ҳамда муассасаларининг кадрлар захирасини яратиш, кадрларни тайёрлаш ва танлашни амалга ошириш, белгиланган тартибда жой-жойига қўйишда қатнашиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Юқоридаги вазифалар Адлия вазирлиги тизимида ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, профессионал малакасини ошириш, кадрлар захирасини шакллантириш ва кадрлар тўғрисидаги маълумотлар базасини юритиш бўйича ишлаб чиқилган Концепцияга мувофиқ тизимли асосда амалга оширилмоқда.

Концепциянинг асосий вазифалари этиб, юридик таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, бу борада ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини вужудга келтириш, юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларини узлуксиз юридик таълим тизимининг мажбурий босқичига айлантириш, ўқув машғулотлари ва ундан кейинги синовларни замонавий талаб ва стандартлар даражасига кўтариш, юридик кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг адолатли механизмини яратиш, бунинг учун захира манбаини белгилаш, дастлабки ва асосий кадрлар захирасини шакллантириш, захира устуворлигини таъминлаш номзодларнинг шахсий хусусиятлари ва ишчанлик қобилиятларини баҳолаш, кадрлар мониторингини олиб бориш, Адлия вазирлиги тасарруфидаги ўқув муассасалари битирувчилари ҳамда вазирлик ва унинг қуйи бўғинлари томонидан захирага олинган номзод кадрлар ҳақида тўлиқ маълумотлар олиш имкониятини яратиш белгиланди.

Адлия идоралари ва муассасаларида кадрлар захирасини тузиш ва юритиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бундай амалиётнинг афзаллиги ҳар бир лавозимга тажрибали, пухта синовдан ўтган ходимларни тизимли асосда лавозимларга ўтказиш билан боғлиқдир. Шунингдек, Адлия вазирлиги тизимидаги кадрлар бўлимларининг хизматда фойдаланиши учун кадрлар захирасини шакллантириш ишларини ташкил этиш юзасидан Кадрлар бошқармаси томонидан "Услубий тавсиялар" ишлаб чиқилди.

Вазирлик тизимида икки шаклдаги захирадаги кадрлар таркиби тузилган. Уларнинг биринчиси амалдаги асосий захира ҳисобланиб, иккинчиси дастлабки ёш, иқтидорли ҳуқуқшунослардан иборат таркибда шаклланган. Ҳар бир захирага олинган ходимлар кўп йиллардан бўён ишлаб келаётган, тажрибали устозларга бириктириб қўйилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги **"2005-2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"**ги ПҚ-92-сонли қарорининг 6-бандига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 8 июлдаги **"Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида"**ги низомига асосан Тошкент Давлат юридик институтини давлат грантлари асосида битираётган бакалавр ва магистратура босқичи талабаларини Адлия тизими идораларига ишга жойлаштириш, кадрлар захирасини юритиш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июндаги **"Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"** ПФ-1791-сонли Фармонига мувофиқ ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, замонавий билимлар асосида ҳуқуқшунос ходимларни касбий тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, ҳуқуқшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг савиясини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 июлдаги 364-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида Адлия вазирлиги қошида Юристлар малакасини ошириш Маркази ташкил этилган.

Марказ адлия, суд, адвокатура ходимлари, ҳуқуқшунос профессор-ўқитувчиларни ҳамда давлат бошқаруви идоралари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизмат ходимларини қайта тайёрловчи ва малакасини оширувчи муассаса ҳисобланади.

Кадрлар захирасини шакллантиришнинг асосий тамойиллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

***Қонунийлик*** — Конституцияда, қонунларда, Президент Фармонлари, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқ нормалари талабларини оғишмай амалга ошириш, ўз хизмат вазифасини муфассал бажариш демакдир.

***Адолатлилик*** — жамият томонидан белгиланган ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларни ҳаққонийлик билан одилона, холисона, тўғри ва қонуний тарзда ҳаётга татбиқ этишни тақозо этади.

***Ватанпарварлик*** — она ватанга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш, унинг мустақиллиги, ободлиги, озодлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда фидойилик кўрсатиш билан баҳоланади.

***Жамоатчилик*** — биринчидан, адлия тизими фаолиятидан манфаатдор аҳоли қатламлари билан яқин муносабатда бўлиш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, умумий ахлоқ тамойиллари ва нормаларини амалга ошириш, иккинчидан, соғлом ахлоқий-руҳий ҳолатни вужудга келтириш, учинчидан, меҳнат ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш, тўртинчидан фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини ошириш, бешинчидан, бошқариш ишларини такомиллаштиришдир.

***Инсонпарварлик*** — шахс ва жамият, давлат манфаатларини ғайриинсоний тажовузлардан ҳимояловчи, жамиятда ўрнатилган ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг оғишмай амалга оширилишини таъминловчи, ҳар бир инсоннинг бахтли-саодатли ҳаёт кечириши ва келгусида камол топиши учун шарт-шароитлар яратиб беришга хизмат қилувчи инсон ҳуқуқларига риоя қилувчи касб ахлоқи шаклидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган тамойиллар атама сифатида қолмасдан, балки кадрлар захирасини шакллантиришда уларга амал қилиш жамиятимизда билимли, салоҳиятли ва фидойи кадрлар танлаб олинишида муҳим аҳамият касб этади.

**Хайрулло САБИРОВ,**
**Адлия вазирлиги ходими**

---

*Muqaddas burch*

# Фаровонлик асоси

## у оиланинг ҳуқуқий мақоми билан узвий боғлиқдир



***Кўҳна Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас маскан, ватан ичра кичик бир ватан ҳисобланган. Оила давлат ва жамиятнинг муҳим бўғинидир. Зеро, бу табаррук гўшада инсон дунёга келади, янги маънавий, ахлоқий тушунчалар шаклланиб, камол топади. Оила ҳар бир инсон қалбига зиё, ҳаётига мазмун-маъно, турмуш тарзига жило бергувчи улуғ даргоҳдир.***

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 16-модда 3-қисмига биноан, «Оила жамиятнинг табиий ва асосий бошланғич ҳужайрасидир ва у жамият, давлат томонидан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эгадир». Ушбу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида тўла-тўкис ўз аксини топган. Унга кўра, **«Оила жамиятнинг бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга»**дир. Оиланинг жамиятдаги ролини таъминлашда унинг ҳуқуқий муҳофазаси ва ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашда Оила кодексининг роли бениҳоя каттадир. Бу муҳим ҳужжат умумэътироф этилган ҳуқуқий меъёрларга тўла мос равишда тузилгани ҳолда **«Оила — жамиятнинг таянч тузилмасидир»**, деган фикрга асосланган. **«Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифаси оилани мустаҳкамлашдан оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида уларнинг барча аъзоларининг масъуллик ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўймасдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга ошириши ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилишини таъминлашдан иборатдир»**, дейилади Оила кодексининг 1-моддасида.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг амалда бўлган қонун ҳужжатлари ва давлат органлари, шу жумладан, барча суд органларининг фаолияти энг аввало, фуқароларнинг оилавий муносабатларини мустаҳкамлашга, оила барбод бўлишининг олдини олишга қаратилган. Эзгуликка йўғрилган халқимиз «Қушнинг ҳам бузилмасин», дея тилак қилади. Кундалик турмушда учраб турадиган арзимаган жанжаллар, оила олдидаги масъулиятсизлик каби иллатлар оиланинг дарз кетишига, охир-оқибат барбод бўлишига олиб келади.

Ҳозирги вақтда Фуқаролик ишлари бўйича судлар ўз фаолиятини биринчи навбатда оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга, эр-хотинни яраштиришга ва оиладаги муҳитни соғломлаштиришга қаратмоқда. Аввало, эр-хотинга ярашиш учун 6 ойгача муҳлат берилади. Мақсад – оилани сақлаб қолиш! Оилада соғлом турмуш тарзи, ўзаро муносабатларнинг қарор топишида маҳалланинг тарбиявий аҳамияти беқиёсдир. Шу сабабли, баъзи бир қайнона-келинлар билан алоҳида суҳбатлар ўтказиб турилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Оиладаги соғлом муҳитгина инсонни бахтиёр эта олади. Тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат қарор топган оилада туғилган фарзандлар маънавий-ахлоқий етук, жисмонан соғлом, меҳр-оқибатли бўлиб улғаяди.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказар экан, қариганимда белимга қувват, жонимга мадад бўлади, деб умидвор бўлади. Фарзандимнинг роҳатини кўраман, қариб куч-қувватдан қолганда ҳузур-ҳаловат топаман, деб ният қилади. Афсуски, айрим фарзандлар нафақат қонун олдидаги бурчларини, балки инсоф ва диёнатни ҳам унутиб қўядилар. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туманлараро судига Шукрия Лутфуллаева ўғли Комил Лутфуллаевга нисбатан ўз таъминоти учун нафақа ундириш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилган. Шукрия холанинг ёлғизгина ўғли эндигина 6 ёшга тўлганида умр йўлдоши бевақт оламдан ўтиб, бева қолган. Ёш бўлишига қарамай, бошқа турмуш қурмаган. Бутун умрини фарзандига бағишлади. Комил эса, жисмонан бақувват бўлса-да, маънавий заиф бўлиб улғайди. Яхшигина маош олса-да, онасига, ёлчитиб ёрдам бермади. Ирина исмли аёл билан танишиб, унга уйлангач, онасидан бутунлай хабар олмай қўйди. Шукрия хола ўғлининг инсофга келишини узоқ кутди. Ҳатто бир неча бор у яшаётган манзилга бориб ҳам келди. Кейинги йилларда соғлиғи ёмонлашиб, моддий ёрдамга муҳтож бўлиб қолганидан сўнг судга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Суд қонунга асосан унинг даъво аризасини қаноатлантирди. Фарзандлик мажбурияти мажбурий тартибда амалга оширилди.

Яна бир муаммо. Кундалик ҳаётимизда гоҳида «иккинчи хотин», деган гаплар қулоққа чалиниб туради. Айрим кишилар қонуний никоҳдаги оиласи бўла туриб, «шаръий никоҳ» асосида эр-хотинлик муносабатини ўрнатадилар. Бундай никоҳ ҳеч қандай юридик оқибатларни туғдирмайди.

Оила нечоғлик муқаддас бўлса, унинг олдидаги бурч ва масъулият ҳам шунчалик юксакдир. Оила барқарорлигини таъминлаш, бахт пойдеворини мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилиш нафақат қонун ҳужжатлари, балки ўзаро меҳр-оқибат, садоқат ва диёнат каби инсонийлик фазилатлари билан ҳам амалга оширилади.

Юртбошимиз таърифлаганларидек, **оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир. Бу масъулият олдида ҳамма бирдек баробардир.**

**Дилдора ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туманлараро судининг судьяси,**
**Фарида ҚОРАҚУЛОВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

---

*Faoliyat*

# Эл қувончидан дил равшан



— Қарорим қатъий, ҳуқуқшунос бўлмоқчиман. Қийинчиликларга чидайман. Фақат ўқисам, билим олсам бўлгани. Оқ фотиҳа беринг, дадажон.

Умри далада кетмон чопиб ўтаётган камсуқум Маман ота кенжа қизининг қароридан бироз таажжубланди: «Худди осмондан тушгандек гапиради-я. Юрист бўлиш осон иш эканми?! Қанчадан-қанча болалар бу ўқишга киролмай қайтиб келишаяпти-ю, унга йўл бўлсин».

Содда деҳқон шуларни ўйларкан, қизининг кўзларига боқди. Чақнаб турган кўзларини кўриб, фикридан қайтди. Ҳа, ёшлар барибир бошқача. Ғайрати зўр буларнинг, мактабдаям «аъло» баҳога ўқиди. Ўзига ишонаётган бўлса керак, майли, аҳд қилибдими — ўқисин, дея, фотиҳага қўл очди...

1990 йилнинг кузи охирлаб қолган кезларда Дилфуза Тошкентдан хурсанд бўлиб қайтди. Ҳовлида куймаланиб юрган онаси Марям опани қучоқлаб: «Ўқишга кирдим онажон, тўртта имтиҳоннинг ҳаммасидан «беш» олдим», деди ҳаяжонланиб...

Мана шунга ҳам ўн етти йил бўлибди. Бу йиллар мобайнида Дилфуза Рисбоева Тошкент юридик институтининг ҳуқуқшунослик факультетини битириб, аввал Гулистон шаҳар судида фаолият юритди. Кейинчалик вилоят адлия бошқармаси ФҲДЁ бўлими етакчи мутахассиси бўлиб ишлади. 1998 йилдан эса Гулистон шаҳар Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлими мудири лавозимида.

— Одамлар билан ишлашнинг ўзига яраша гашти бор, — дейди Д.Рисбоева. — Биласизми, ҳар куни турфа феъл-атворли кишилар билан мулоқотда бўламан. Ҳар бирининг ишини имкон қадар битказиб, хушмуомалалик билан кузатишга интиламан. Бу бизнинг соҳада жуда муҳим жараён. Бўлимимизда инсон туғилганидан бошлаб, умрининг охирги кунигача бўлган барча ҳолатлар қайд этиб борилади. Туғилиш, оталикни белгилаш, аёлга ёлғиз она мақомини бериш, фамилия-исмларни ўзгартириш, никоҳни бекор қилиш, ўлим ҳақидаги ҳаракатлар акс этган ҳужжатлар шулар жумласидандир. Лекин бу расмий қоғозлар орасида аёлга ёлғиз она мақомини бериш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекаётганимда ҳар гал вужудимга титроқ киради. Рости гап, ичимдан бир нарса узилиб кетгандек бўлади. Негаки, туғилган болани отаси тан олмаса бу ҳужжат расмийлаштириладида. Ахир, мурғаккина чақалоқда нима гуноҳ?! У дунёга келгани учун айбдор эмас, балки унинг ота-онаси айбдор саналиши лозим. Энг ёмони, бунинг жабрини бола тортади. Ота меҳрига зор бўлиб улғаяди. Кўнгли кемтик, руҳи синиқ бўлиб ўсади.

Дилфуза Рисбоеванинг нега бунчалик куюниб сўзлаши боисини тушундик. Тўғрида, ота ўз фарзандини тан олмаса, фамилиясига ўтказишдан бош тортса, бу ҳолга куюнмай бўладими, ахир. Кимдир тирноққа зор, яна кимдир бепарво.

— Ҳар бир қиз ўзга хонадонга келин бўлгач, ўша масканнинг севимли кишиси бўлишга интилади. Келинчакнинг энг катта орзуси бу. Лекин оналик бахти ҳамма туйғулардан устун турса керак, — дея сўзини давом эттиради мудира. — Шаҳримиз бўйича 2006 йил мобайнида 3100 нафар чақалоққа ҳаётининг дастлабки ҳужжати — туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома берилди. Демак, биз ҳам, маълум маънода, 3100 хонадоннинг қувончига шерик бўлдик. Ўзгалар қувончига шерик бўлишнинг ўзи катта бахт-ку. Гувоҳнома олаётган ота-оналарнинг юзларидаги қувончни кўриб кишининг дили равшан тортади.

Ҳужжатларда қайд этилишича, 2005 йилда шаҳар бўйича 30 та никоҳ бекор қилинган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 28 тани ташкил этган. Бўлим ходимлари фақат ўз йўналишларидаги фаолият билан чекланиб қолмай, оилавий ажралишлар сонини кескин камайтиришга астойдил киришишган. Улар жойларда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этмоқдалар, бундай тадбирларга бошқош бўлмоқдалар. Бу борада маҳалла-кўй, нуроний ота-оналар кўмагига таянилаяпти. Умуман бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этишга бўлим ходимлари ҳам ўзларини масъул, деб ҳисоблайдилар. Қилинаётган ҳаракатлар эса ўз самараларини бераётир.

Сирдарё вилоят ФҲДЁ соҳасининг жонкуяр ходими, умрининг 37 йилини шу соҳа ривожига бағишлаган Алфия Юсупалиева зийрак, ҳаракатчан Дилфузани кўп йиллар мобайнида синаб кўриб, ўзига муносиб шогирд қилиб олди. Билганларини астойдил ўргатди. Натижада Дилфуза ҳам бу соҳанинг етук мутахассисига айланди.

— Алфия опанинг меҳрибонликлари ҳақида сўзласам гапим адо бўлмайди. Бу лавозимга тайинланганимдан сўнг ўзи нафақа ёшида бўлса-да, ҳар бир ишимни синчиклаб кузатиб борди. Керакли маслаҳатларини аямади. Шундай инсоннинг шогирди эканлигимдан фахрланаман, — дейди Дилфуза Рисбоева.

Ҳа, ота-она, устоз дуосини олган киши кам бўлмайди. Алалоқибат эл ардоғидаги инсонга айланади. Дилфуза Рисбоева ҳам бугун устоз йўлидан бориб, шогирдлари — Эркиной Эмирова, Севара Жўраева, Дилфуза Мейрбековаларга касб сирларини пухта эгаллашларида яқиндан туриб кўмак бераётир. Зотан, одамдан яхшилик қолади, эзгулик ўз қадрини ҳеч қачон йўқотмайди.

**Ихтиёр ҲАКИМОВ,**
**Сирдарё вилоят адлия бошқармаси ходими**

---

# Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади:

***вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида***

# МАЪЛУМОТ

***(2007 йил 7 апрелдан 13 апрель ҳолатига)***

## I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. "Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «М2», «М3» ва «N2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисида вақтинчалик йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2007 йил 28 февралдаги 1-п, 80-ТК-сонли қарори.*

**2007 йил 7 апрелда 1670-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007йил 17 апрелдан кучга киради).**

2. "Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларни "Биржа" газетасида марказлаштирилган тарзда нашр этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2007 йил 1 мартдаги 2007-02-сонли буйруғи.*

**2007 йил 7 апрелда 1671-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 17 апрелдан кучга киради).**

3. "Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкини сақлаш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2006 йил 25 декабрдаги 104, 17, 01-1371-сонли қарори.*

**2007 йил 10 апрелда 1672-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 20 апрелдан кучга киради).**

4. "Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (12-сон АФМС) "Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш" ни тасдиқлаш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 29 декабрдаги 108-сонли буйруғи.*

**2007 йил 12 апрелда 1673-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 22 апрелдан кучга киради).**

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Турар-жойнинг 1 м.кв умумий майдонини сақлаш ва эксплуатация қилиш тарифларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича Низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1068, 19.09.2001 й).*

***Адлия вазирининг 2007 йил 10 апрелдаги 67-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

*Qonunni bilgan qoqilmaydi*

# Истеъмолчи ҳуқуқи

## қонун бўйича иш юритишни талаб этади

***Қадимда ҳам аждодларимиз истеъмол бозорида сифати паст, одамлар соғлиғига хавф соладиган маҳсулотлар сотилишига қарши курашганлар. Масалан, четдан келтирилган сут-қатиқ каби маҳсулотларни шаҳар дарбозасидаёқ аскарлар қиличи ёрдамида текширишиб, сифати бузилмаганига ишонч ҳосил қилишгандан сўнг сотишга рухсат этилган. Мабодо маҳсулот истеъмолга яроқсиз бўлса, сотувчининг ўзи ҳам шаҳарга киритилмаган.***



Тўғри, ўша замонларда истеъмолчи ҳуқуқи қонун доирасида ҳимоя қилинмаган. Бироқ юқоридаги каби чора-тадбирлар ёрдамида бозорларда сифатсиз маҳсулотлар сотилиши ва кўпайиб кетишининг олди олинган. Дастлаб XX асрнинг 60-йилларида Америкада жорий этилган истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қонун ижобий самара бергач, жаҳонга тарқалди. БМТ томонидан 15 март — Бутунжаҳон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни, деб эълон қилинди.

Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига мустақиллик йилларида жиддий эътибор қаратилди. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг **«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги **«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш тўғрисида»**ги қарори, **«Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»**ги қонун бу борадаги ҳуқуқий-меъёрий мезондир.

Эндиликда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ички истеъмол бозорига сифатсиз товарлар олиб кирилишининг олдини олиш борасида ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Маълумотларга кўра, ички истеъмол бозоридаги этил спирти, алкоголли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, турли доривор воситалар, сифати паст, истеъмолга яроқсиз озиқ-овқатлар мўмай даромад орттиришни кўзлаган айрим кимсалар томонидан божхона назоратини четлаб, турли яширин йўллар орқали олиб кирилмоқда.

Яқинда Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судида фуқаро П.Тлеумбетованинг жиноий иши кўриб чиқилди. Судда аниқланишича, П.Тлеумбетова якка тартибдаги тадбиркор сифатида чакана савдо билан шуғулланиш учун тегишли рухсатномага эга бўлмасдан, белгиланган тартибда давлат солиқ инспекцияси рўйхатидан ўтмасдан, патентсиз этил спирти, алкоголли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда сотишга уринган. Унинг бу хатти-ҳаракати Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 январдаги **«Спирт ва алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги, 2002 йил 20 августдаги **«Лицензиялашни бекор қилиш ва истеъмол товарларини олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорига сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорларига зиддир.

2006 йил 9 декабрь куни «Чилонзор буюм бозорида» ТШББ «Арк-Булоқ» божхона маскани ходимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида П.Тлеумбетовадан, Ўзбекистон Республикаси акциз маркасисиз, божхона ва сифат ҳужжатларисиз 150 литр этил спирти маҳсулотини ноқонуний сотиш мақсадида олиб келаётганда қўлга олинган.

Суд мажлисида П.Тлеумбетова айбига тўлиқ иқрор бўлди, қилмишига яраша жазосини олди. Мўмай даромад орттириш илинжида келтирилган 150 литр этил спирти истеъмолга яроқсизлиги туфайли, Вазирлар Маҳкамасининг 140-сонли қарори билан тасдиқланган **«Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисида»**ги Низомга мувофиқ ҳамда Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг қарорига асосан йўқ қилинди. Муҳими, бу билан бир қанча кишиларнинг ҳаёти ва соғлиғига етадиган зарарнинг олди олинди.

Шу ўринда яна бир марта истеъмолчиларга эслатиб ўтиш жоизки, махсус сертификати, акциз маркаси бўлмаган маҳсулотларни сотиб олмаган маъқул. Эҳтимол, бундай маҳсулот бирмунча арзондир, бироқ арзон беиллат бўлмас, қиммат беҳикмат бўлмас, деган халқ ҳикматига амал қилмоқ даркор. Чунки сифатсиз маҳсулотни сотиб олган харидор ўз соғлиғига, қолаверса, ҳамёнига зиён етказаётганини кеч англаб етади. Кейинги пушаймондан эса наф йўқ.

Мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамасининг **«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори асосида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси изчил фаолият олиб бормоқда. Федерациянинг Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмаси ва туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари томонидан 2006 йили 798 та шикоят аризаси кўриб чиқилди. Шундан 746 та мурожаат ижобий ҳал қилинди. Жумладан, Бектемир тумани «Сувсоз» мавзеи 26-уйда истиқомат қилувчи Х. Норқўзиевнинг шикоят аризаси ўрганилганда, Кудряшовага тегишли савдо дўкони томонидан сифатсиз музлатгич сотилгани аниқланди ва **«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги Қонуннинг 13-моддаси бузилган, деб топилди. Ҳудудий бирлашманинг аралашуви билан истеъмолчига 1.200.000 сўмлик музлатгич янги ва сифатлисига алмаштириб берилди.

Мамлакатимизда тадбиркорларга қулай имкониятлар яратиб берилгани барчага маълум. Ўз навбатида, тадбиркорлар ҳам бундай имтиёзларни суиистеъмол қилмасдан, харидорларга сифатли маҳсулотлар етказиб беришлари даркор. «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш юритувчилар юртимизда истеъмолчи ҳуқуқи қонунлар асосида мустаҳкамлаб қўйилганини эсда тутишлари даркор.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи Х.Тўйчиева хусусий тадбиркор Абдуллаевга тегишли савдо дўконидан 237.000 сўмга «LG» русумли телевизор сотиб олган. Яхши ниятлар билан харид қилинган буюм сифатсизлиги боис, истеъмолчи уни дўконга қайтариб олиб келган. Бироқ сотувчи телевизорни қайтариб олишдан бош тортган. Шундан сўнг истеъмолчи ҳудудий бирлашмага мурожаат қилишга мажбур бўлган. Бирлашма аралашуви билан истеъмолчига сифатсиз маҳсулот пули қайтарилди. Ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, сотувчи ўзи харид чеки берган товарни қайтариб олишдан нега бўйин товлади? Наҳотки, бу ҳолатга ҳам ҳудудий бирлашманинг аралашуви керак бўлса? Сотувчи савдо маданияти, муомала одобига риоя қилиши шарт-ку, ахир!

Истеъмолчилар ҳудудий бирлашмага турли масалаларда мурожаат қилмоқдалар. Бу эса, истеъмолчиларнинг ҳуқуқий онги ўсиб бораётганидан далолат беради. Масалан, Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида истиқомат қилувчи Помогалова капитал таъмирдан сўнг хонадони томидан чакки ўтаётгани, иситиш талабга жавоб бермаётгани ҳақида шикоят ариза билан мурожаат қилган. Текширувда аризада кўрсатилган камчиликлар ўз исботини топди. «Келажак коммунал сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан **«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги қонуннинг 19-моддаси бузилгани учун ҳудудий бирлашманинг аралашуви билан истеъмолчи талаби қондирилди,

Хуллас, истеъмолчи ҳуқуқи бузилган ҳолатларда кимларга мурожаат қилишни яхши билиши керак. Зотан, қонунни билган кишигина ҳуқуқини тиклай олади.

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Bu turfa dunyo*

# Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ

**Тўғриси, бу ибора илк бор қачон ва ким томонидан айтилганини ҳеч ким билмаса керак. Лекин нима бўлганда ҳам топиб айтилган гап. Дарҳақиқат, суд ҳукми дахлсиз. Тўғри, баъзи-баъзида англашилмовчилик боис судлар ҳам нотўғри қарор чиқариши мумкин. Лекин ҳақиқат қарор топгунга қадар, эҳ-ҳей, қанча сувлар оқиб ўтади. Жаҳон жиноятчилик тарихи саҳифаларини варақлаб кўрсангиз, бунга истаганингизча мисол топишингиз мумкин.**

**Маълумки, газетамизнинг аввалги сонида жиноятчилик тарихига оид, турли даврларда, жаҳоннинг турли мамлакатларида бўлиб ўтган ажойибу ғаройиб суд жараёнлари ҳақида ҳикоя қилган эдик. Бугун эса газетхонларимизни дунё мамлакатларида шу кеча-кундуз бўлиб ўтган ёки ўтаётган айрим шов-шувли суд жараёнлари билан таништиришга қарор қилдик.**

### ҚИРОЛНИ ҲАҚОРАТ ҚИЛМАНГ!

Вақтинча Таиландда яшаётга швецариялик 57 яшар Оливер Жуфер энди роппа-роса ўн йилдан кейин юртига қайтади. Чунки маҳаллий суд унга 10 йил қамоқ жазоси тайинлади. Бежизга эмас, албатта...

Оливер Жуфер 2006 йилнинг декабрь ойида таиландликларнинг энг катта миллий байрами – Таиланд қироли Пумипон Адульядетнинг туғилган кунида жиноятга қўл урди. Таиланд қироли, монах Пумипон Адульядет 2006 йил 5 декабрь куни 79 ёшга тўлган. Маҳаллий аҳоли аввал бошдан ўз йўлбошчиларининг туғилган кунини жуда катта байрам сифатида нишонлашга ўрганиб қолган. 2006 йилнинг 5 декабрь куни ҳам Таиланд фуқаролари ўз қиролларининг туғилган кунига тайёргарлик кўришди. Барча давлат ва шахсий корхоналар бинолари безатилди. Кўчаларда қироллик тимсоли бўлмиш сариқ футболка кийган аҳоли кун бўйи байрам қилди. Байрам куни эса Таиландда спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи дуконлар ўз фаолиятларини эрта тугатади.

Бу эса швецарияликка ёқмади. Шунинг учун у бекорчиликда қирол Пумипон Адульядетнинг бир эмас, роппа-роса бешта суратига қора ранг чаплаб чиқди. Буни қарангки, у яшаётган Чайанг Маи шаҳридаги меҳмонхонага ўрнатилган кузатув камераси унинг барча ҳаракатларини суратга олган экан. Эртаси куни камера ёзувини текшириб кўрган полиция зудлик билан сайёҳни қўлга олди.

Уч ойдан ортиқ давом этган суд жараёни апрель ойида якун топди. Аввалига ўз қиролларини ҳақорат қилган сайёҳга давлат қораловчиси 75 йил қамоқ жазоси берилишини сўраган эди. Лекин ишни кўриб чиққан судьялар Оливер Жуферга ҳар бир сурат учун 4 йилдан, жами 20 йиллик қамоқ жазоси беришни лозим топишди. Узоқ давом этган баҳс ва адвокатнинг қатъий талабидан сўнг суд Оливер Жуфернинг бошқа мамлакат фуқароси эканлиги, Таиланд қонунларини яхши билмаслиги ва ўз қилмиши учун чин дилдан пушаймон эканлигини ҳисобга олиб, унга нисбатан 10 йил қамоқ жазоси тайинлашди.

Энг ёмон томони, энди Оливер Жуфер Таиланд қамоқхонасида роппа-роса 10 йил "саёҳат" қилади. Чунки суд ҳукми қатъий, шикоятга ўрин йўқ.

### ДОРИ СОТУВЧИ ТОВЛАМАЧИЛАР

Россия Федерациясининг Кунцевский шаҳрида бўлиб ўтаётган суд жараёни ҳам кишини ҳайратга солади. Маълум бўлишича, Кунцевский шаҳри фуқаролари бўлган бир гуруҳ товламачилар бир неча йил давомида "Тай ҳапдори"си, деб номланган "оздирувчи дори воситалари" сотиш билан шуғулланиб келган.

"Оздирувчи дори воситалари", деган жумлани бежизга қўштирноқ ичига олмадик. Чунки бу дорилар Россия Федерацияси ҳудудига контрабанда йўли билан келтирилган бўлиб, улар умуман оздирувчи эмас, аксинча, психотроп моддалар экан. Ушбу дори воситасини бир неча марта қабул қилган мижоз ўзи билмаган ҳолда гиёҳвандга айланади ва доимий равишда "Тай ҳапдори"сини истеъмол қилишга мажбур бўлади.

Товламачилар умуман кутилмаганда фош қилинди. Дори сотувчиларнинг навбатдаги мижозларидан бири "Тай ҳапдори"сини сотиб олгач, уни ичишга шошилмади. Аксинча, ушбу дори ўз организмига қандай таъсир қилишини билиш мақсадида экспертизага мурожаат қилди. Дори таркибини ўрганиб чиққан экспертлар эса ҳайратдан эслари оғиб қолай, деди. Чунки "Тай ҳапдори"си номини олган ушбу таблеткалар таркибида умуман оздирувчи воситалар йўқ, бунинг устига у жуда кучли психотроп модда эканлиги аниқланган эди.

Экспертлар бу ҳақда зудлик билан ҳуқуқ-тартибот идораларига маълум қилишди ва товламачилар, жами 10 нафар фуқаро қўлга олинди. Тинтув чоғида уларнинг уйларидан яна 75 минг дона "Тай ҳапдори"лари топилди. Тергов-суриштирув жараёнида маълум бўлишича, товламачилар ўз дориларини маҳаллий телевидение ва газеталар орқали бемалол реклама қилишган. Натижада уларнинг ойлик даромади бир миллион доллардан ошиқ бўлган. Яқин кунларда суд ҳукми ўқилади.

Товламачилар-ку, қилмишларига яраша жазо олишар, лекин уларнинг алдовига учиб, ўзлари билиб-билмасдан гиёҳванд бўлиб қолганларга қийин бўлиши аниқ.

### ҚОТИЛ ҚЎЛГА ТУШДИ

Яқинда Канадада ҳам шов-шувли суд жараёни бошланди.

Канада полицияси вакилининг оммавий ахборот воситалари ходимларига берган маълумотига таяниб айтадиган бўлсак, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари 2002 йилда Ванкувер шаҳарчаси яқинида жойлашган қишлоқда истиқомат қилувчи фермер Роберт Пиктонни қўлга олган эди. Тергов-суриштирув ишларига роса 5 йил вақт кетди. Бу бежизга эмас. Чунки Роберт Пиктоннинг ҳисобида роппа-роса 50 та қотиллик бор экан!..

Ҳали Канада тарихида бундай шов-шувли суд жараёни бўлмаган.

Лекин Роберт Пиктон фақат 26 та қотиллик учун жавоб беради. Чунки тергов жараёнида унинг бўйнида бўлган 24 та қотиллик ўз исботини топмади.

Маълум бўлишича, Роберт Пиктон 1980 йилдан то 2002 йилга қадар қотиллик билан шуғулланиб келган. Лекин негадир ҳеч ким ундан шубҳа қилмаган.

Роберт биринчи суд мажлисида ўзини бутунлай айбдор эмаслиги айтиб, баёнот берди. Тўғри, у қотиллик қилганини тан олди. Лекин у бу "қотилликларни жамиятни фоҳишалардан тозалаш мақсадида" амалга оширгани айтди.

Айни пайтда Роберт Пиктонни бир умрлик қамоқ жазоси кутаётганини айтишимиз мумкин. Чунки Канада давлатида ўлим жазоси қўлланилмайди.

**Хорижий ОАВ материаллари асосида Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА тайёрлади.**

*Mavzuga qaytib*

# Бир соатлик дарс

## ёки якунига етмаган мунозара

**Биз Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида таълим оламиз. Бўлажак журналистлар бўлганимиз боис, махсус дарс соатларида турли газета ва журналларда чоп этилган долзарб мавзулардаги мақолаларни таҳлил қилиб борамиз. Бу галги дарсда "Инсон ва қонун" газетасида эълон қилинган "Миллат келажагига дахлдор савол" мақоласи муҳокама қилинди ва у талаба-ёшлар ўртасида қизғин баҳс мунозарага сабаб бўлди.**

Аввало, мақола муаллифи тўғри таъкидлаб ўтганидек, бизга замондош, айниқса, тенгдош санъаткорлар, эстрада хонандалари ёшлар тарбиясига, уларнинг маънавий дунёсига жиддий зиён етказаётгани бор гап. Чунки аллақачон урфга айланиб бўлган клиплар мавзуси кундан-кунга бачканалашиб бормоқда. Телевизор кўриб ўтириб, айрим аёл хонандаларимиз экранга қўшиқ айтишдан ҳам кўра, ўз кийим-кечаклари ёки шахсий уй-жойларини кўз-кўз қилишга чиқадими, деб ўйлаб қоласан, киши. Қолаверса, уларнинг кийимлари, беҳаё қилиқлари ҳам ҳеч бир қолипга сиғмайди.

Шу ўринда мақола муаллифи Ислом Ҳамрога андаккина эътирозимиз ҳам бор. Чунки "Миллат келажагига дахлдор савол" мақоласида асосан аёл хонандаларимиз ва уларнинг клиплари танқид остига олинган. Тўғри, хобгоҳда, бунинг устига узала тушиб ётганча қўшиқ айтиш бизнинг миллий қадриятларимизга бутунлай ёт ҳолат. Бундай клиплардан на тингловчи, на томошабин бирор бир маънавий озуқа олмайди. Аксинча, улар ёшларни маънавиятсизлик сари етаклайди. Лекин бу борада фақатгина аёл хонандаларимизни айблаш нотўғри эмасми? Чунки бугун ўзларини рэппер атаётган ёки ўзини "эстрада оламининг янги ва чақноқ юлдузи"га менгзаётган айрим йигитларнинг клипларини кўриб ёқа ушлайсиз. Уларнинг қилиқлари (аслида клиплари демоқчи эдик), қўшиқ деб айтаётган алмойи-алжойи сўзларини эшитиб, ёқангизни ушлайсиз. Назаримизда муаллиф масаланинг бу томонига ҳам эътибор қаратиши лозим эди.

Мақолада айтилганидек, биз истаймизми ёки йўқми, кўпчилик ёшлар уларга эргашади. Улардек бўлишга ҳаракат қилишади. Демак, бугун ўзини санъаткор ҳисоблаётган, саҳнада ёки экранда қўшиқ куйлаётган ҳар бир хонанда масаланинг бу жиҳатига жиддий эътибор қаратиши, ўзининг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракатига масъулият билан ёндашмоғи лозим бўлади.

Муаллиф ушбу мақоланинг ёзилишига амалиётчи талабалар билан бўлиб ўтган баҳс-мунозара сабаб бўлганини таъкидлаб ўтган. Дарҳақиқат, бизнинг ушбу мақола таҳлилига мўлжалланган бир соатлик дарсимиз ҳам бир неча соатга чўзилиб кетди. Ҳаттоки, мунозарамиз дарсдан кейин ётоқхонада ҳам давом этди. Шуни афсус билан айтишимиз керакки, кўпчилик бўлажак журналистларимиз бугунги замонавий эстрадани қандай бўлса, айнан шундай қабул қилиш керак, деб ўйлашаркан. Бу бизнинг назаримизда жуда афсусланарли ҳолдир.

Тўғри, ҳар ким ўзи хохлаганча яшаш ва ижод қилиш ҳуқуқига эга. Лекин ҳеч кимга ўзгаларнинг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатиш ҳуқуқи берилмаган. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, эстрада хонандалари, улар унвонли бўладими ёки унвонсизми, миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни, энг асосийси, бизнинг шарқона удумларимизни оёқ ости қилишга ҳаққи йўқ. Агар шундай давом этадиган бўлишса, ўз мухлисларини йўқотиб қўйишади.

Яна бир гап. Кескин баҳс-мунозалар остида ўтган ва давом этаётган дарсимизда сабоқдошларимиздан бири – Дилдора Юнусова яхши бир фикр айтди. Келинг, мақоламизни унинг сўзлари билан якунлайлик.

–Дарҳақиқат, мақолада бугуннинг энг долзарб ва оғриқли мавзуларидан бири тилга олинган. Агар мен ушбу мақоланинг муаллифи бўлганимда, унга "Маънавиятга қарши жиноят", деб сарлавҳа қўйган бўлардим...

Биз унинг фикрларига қўшилдик. Сиз-чи, сиз нима деб ўйлайсиз, азиз муштарий?!

**Дилфуза ИРГАШЕВА,**
**Жавлон ЭРГАШЕВ,**
**Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети 1-босқич талабалари**

**Ҳаётда бировнинг бошига тушган ташвишдан фойдаланиб қолиш илинжида бўладиган кимсалар ҳам учраб туради. Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туман Канғи овул фуқаролар йиғини, «Жумабой сага» қишлоғида яшовчи, овул фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Ҳайитбой Султонов ҳам ана шу кимсалар тоифасига кирар экан. Акс ҳолда у товламачиликка қўл урмас эди.**

*Jinoyat va jazo*

# Тубанлик

## ёхуд фуқаролар йиғини маслаҳатчиси нега товламачиликка қўл урди?

Келинг, ўқувчимизга тушунарли бўлиши учун юз берган воқеани бир бошдан ҳикоя қиламан.

Ҳайитбой фуқаролар йиғини маслаҳатчиси эмасми, унинг ҳузурига кунда кунора ҳамқишлоқлари турли масалаларда маслаҳат сўраб келиб туришади.

— Ҳал бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқ, — дейди у овулдошларига. — Албатта, ҳал қиламиз...

Навбатдаги арзгўйлардан бири ҳамқишлоғи Жўрақул Йўлчиевнинг аёли бўлди.

— Тез юрмасангиз бўлмайди. Анави дўкончи Ражапбой келинимга шилқимлик қилибди, — деди аёл шоша-пиша.

— Улар қаерда ҳозир? — сўради маслаҳатчи.

— Дўконда, турмуш ўртоғим билан келиним ҳам ўша ерда. Қариб қуюлмаган бу ноинсофни ўзингиз инсофга чақириб қўймасангиз бўлмайди.

— Хўп, хўп, — дея Ҳайитбой сумкасини қўлига олди. — Сиз сиқилманг.

Маслаҳатчи дўконга қовоқ уйиб кириб келди.

— Қани, дўконингни ёп, виждонсиз, сени қаматамиз, — дағдаға қилди у сотувчига.

— Э, нега ахир, мен ҳеч нарса қилмадим, шунчаки Гулсарадан яхшимисан, эринг қаерда, хат-пат келиб турибдими, менинг болаларим ҳам бошқа шаҳарда дедим, холос, — дея Ражапбой ўзини оқлашга тушди.

— Ҳечам унақамас, — Гулсара пиқиллаб йиғлай бошлади. — У менга шилқимлик қилди. Юзимдан ўпиб олди. Отамга айтаман, дегандим, яна шилқимлик қилди.

— Қўй, қизим, — Жумабой ака келинини овутди. — Бу имонсизнинг суробини Ҳайитбой аканинг ўзи тўғрилайди.

— Қани, ёп дўконингни, милиция таянч пунктига борамиз, — деди Ҳайитбой ҳамон қовоғини очмасдан. — Юр, келин, ўша ерда ариза ёзиб берасан. Бундайларни жазолаш керак.

Шу тахлит Гулсара ИИБга ариза ёзиб берди. Профилактика инспектори Рустам Кўчқоров Ражапбой Жумамуротовни чақириб, тушунтириш хати ёздириб олди. Кўп ўтмай Ражапбойни туман прокуратурасига ҳам чақиришди.

Ражапбой аҳвол бунчаликка боради, деб ўйламаганди. Юрагини ваҳима босди. Бу гаплар элда тарқаб кетса, нима деган одам бўлади, қишлоқда қандай бош кўтариб юради?

Шуларни ўйлаб маслаҳатчининг олдига борди.

— Илтимос, Ҳайитбой ака, ёрдам беринг, қўлингиздан келмайдиган иш йўқ, — деди бошини эгиб дўкондор.

— Ҳа, келаркансан-ку. Оёғи куйган товуққа ўхшаб қолдингми, баттар бўл. Ўша куниёқ келсанг бўлмасмиди? — тиржайди Ҳайитбой.

— Бунчалик бўлади, деб ўйламагандим-да.

— Ҳа, ҳеч нарса бўлмайди. Нақ олти йилга қамаласан, қолаверса, хотининг, болаларингни кўзига қандай қарайсан энди?

— Илтимос, мени бу шармандаликдан қутқаринг, — деб маслаҳатчига ялинишга тушди Ражапбой.

— Ўша куни осмондан келмай, сал муомала қилганингда ишинг сип-силлиқ битарди. Энди анча қийин. Майли, мен Жумабой билан гаплашиб, ундан илтимос қилиб кўрай, аммо ваъда беролмайман. Дўконингга боравер, ўзим жавобини айтаман. — Маслаҳатчи Ражапбойни кузатиб, Жумабойникига йўл олди.

Бу вақтга келиб Жўрақул ака анча жаҳлдан тушган, ҳаётнинг паст-баландини кўрганлиги учун ўйлаб-ўйлаб, агар Ражапбой кечирим сўраб келса, аризани қайтариб оламиз, деган қарорга келганди.

— Хўш, нима гап, ишлар юришяптими? — Жўрақул ааникига келиб биринчи гапирган гапи шу бўлди маслаҳатчининг.

— Айни вақтида келдингиз, ёрдамингиз керак, — юрагини очди унга Жўрақул ака. — Шу Ражапбой ҳам бегона эмас. Бир қишлоқликмиз. Тўйда ҳам, азада ҳам биргамиз. Келиб кечирим сўраса, аризамизни қайтариб олсакми, деб ўйлаб тургандим.

— Сиз аризангизни қайтариб олмай туринг, мен у ярамас билан яна бир гаплашиб кўрай, кейин жавобини айтаман, — деди Ҳайитбой.

«Иш деган мана бунақа бўлибди», қўлларини ишқади у кўчага чиққач. У ишнинг силлиқ кетаётганидан хурсанд ҳолда, Ражапбойнинг дўконига кириб борди.

— Айтдим-ку, сенга энди қийин бўлади, деб. Улар бир миллион сўм берса, кечирамиз, дейишяпти, — бошини чайқади маслаҳатчи. — Энди ўзинг танла, ё бир миллион сўм берасан ёки олти йил қамоқ!..

— Бир миллион катта пул, ака, беш юз минг берсам бўлмасмикин?

— Аҳмоқ экансан-ку. Савдолашиб нима қиласан, айтганларини беравермайсанми?! Майли, сенинг ҳам сазанг ўлмасин, яна бир гаплашиб кўрайчи.

Ҳайитбой ортга қайтди. Жўрақул аканикига келиб:

— Э, у кечиришингизга арзимайди, — деди Жўрақул акага. — Менинг ҳеч қанақа айбим йўқ. Ҳамма гап келинларида дейпти. Аризангизни қайтиб олманг. Қайтанга яна ариза беринг.

— Шунақами, одаммас экан у. Энди аямайман, — Жўрақул ака тағин жаҳл отига минди.

Ҳайитбой ўз уддабуронлигига ўзи қойил қолиб, дўкондорнинг ёнига келди. Унга иш бир миллион сўмсиз битмаслигини айтди.

— Майли, сиз бораверинг, бир амаллаб пул топарман, — хўрсинди Ражапбой.

Ражапбой хаёлга берилди. Наҳотки, Жўрақул ака шунчаликка борса. Ахир, у қишлоқдаги энг инсофли, диёнатли кишилардан бири ку. Шунча пул талаб қилиши ҳеч ақлга сиғмайди.

Дўкондор эрталаб туриб Нукусга йўл олди. Қорақалпоғистон Ички ишлар вазири номига ариза ёзди. Холислар иштирокида пулларга кимёвий ишлов берилди. Шундан сўнг дўконга хотиржам қайтиб келиб, савдосини бошлади.

— Хўш, нима қилдинг? — деди дўконга кириб келган Ҳайитбой.

— Мана, санаб кўринг, — пулларни пештахта устига қўйди Ражапбой.

— Ие, 200.000 сўм кам-ку. — Ҳайитбой қошини чимирди.

— Қолганини даъвогарлар аризасини қайтиб олгандан сўнг бераман, — деди Ражапбой.

— Ҳаммасини бир қилиб, уйга олиб бор. Мен унгача тилхатни олиб келаман, — деди ўз навбатида маслаҳатчи.

Ҳайитбой оёғини қўлга олиб, Жумабой аканикига югурди.

— Ражапбой қилмишидан пушаймон, кечирим сўраяпти, — деди у.

— Ие, нега ўзи келмади? Сизга айтгандим-ку, ўзи кечирим сўраса, албатта, кечираман.

— Ўзи келишга юзи чидамаяпти, кечирақолинг, шу шўрпешонани. Ёнимга қатнайвериб, безор қилиб юборди.

— Йўқ, — жавоб қилди Жўрақул ака қатъий.

Маслаҳатчи эса ёлворишини қўймади.

— Майли, — деди ниҳоят Жўрақул ака. — Ўзи аблаҳ бўлса ҳам, отаси яхши одам эди. Кечирим сўраш-сўрамаслик виждонига ҳавола. Биз кечирамиз.

Шундан сўнг Гулсара сотувчини кечиргани ҳақида тилхат ёзиб берди.

— Ана, айтгандим-ку, сенга, битмайдиган иш йўқ деб, — Ҳайитбой Ражапбойнинг қўлига тилхатни тутқазиб пулни олди.

Ражапбой кетгач, эҳтиёт шарт пулларни оғилхонага кўмиб қўйди.

Аммо бировнинг ҳақи кимга буюрибдики, Ҳайитбойга буюрса. ИИБ ходимлари келиб, пулни беркитилган жойдан топишди ва Ҳайитбой Султонов қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келди. Жиноят ишлари бўйича Амударё туман суди уни уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Нафсим маним балодур, ёнган ўтга солодур, дейдилар. Балои нафсга қул бўлганлиги оқибатида Ҳайитбой Султонов эл-юрт олдида шарманда бўлди. Маҳалладошлари уни эл-юртга, юрт фаровонлигига хизмат қилади, муаммоларни бартараф қилишга ақлу фаросати етади, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга улуш қўша олади, деган мақсадда маслаҳатчиликка сайлашганди. У эса эл ишончини суиистеъмол қилиб, тубанлик йўлига кирди. Товламачиликка қўл урди. Жазо муддати-ку ўтаб кетар, лекин элдошлари уни кечирармикан?..

**Шукуржон РАЖАПОВА,**
**Жиноят ишлари бўйича Амударё туман суди раиси**
**Бозорбой УЛЛИБОБОЕВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Адлия вазирлиги жамоаси вазирликнинг масъул ходими Улуғбек Аюбовга ўғли*
**Лазиз АЮБОВнинг**
*бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.*


**ЭЪЛОН!**

**Фарғона вилоят адлия бошқармаси Кува туман давлат нотариал идора нотариуси лавозимига**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

***Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.***

**Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

*Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёки уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.*

**Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Фарғона вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.**

*Мурожаат учун телефон: (8-373) 224-46-33.*



**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Бобомурод РАЙИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович, Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович, Махмудов Лазизжон Мирзаевич, Мустафаев Бўритош Мустафаевич, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Рахмонов Абдукамол Шодиевич, Содиқов Хуршид Махмасиддиқович, Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Дилфуза РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-315. Тиражи — 4098. Босишга топшириш вақти — 21.30 Топширилди — 20.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

2 3 4 5 6